

БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.01.2020.I.20.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЗАКИМОВ АЙБЕК МУРАТБАЕВИЧ

ҚИЗИЛМИЯ ЕТИШТИРИШ ВА ҚАЙТА ИШЛАШ ТИЗИМИДА
КООПЕРАЦИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-
ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИ

08.00.04-Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Нукус – 2022

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on economical sciences**

Закимов Айбек Муратбаевич

Қизилмия етиштириш ва қайта ишлаш тизимида кооперацияни
ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий асослари.....3

Закимов Айбек Муратбаевич

Организационно-экономические основы развития кооперации в
системе выращивания и переработки солодки.....29

Zakimov Aibek Muratbaevich

Organizational and economic bases for the development of cooperation in
the system of licorice cultivation and processing.....55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works59

БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.01.2020.I.20.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЗАКИМОВ АЙБЕК МУРАТБАЕВИЧ

ҚИЗИЛМИЯ ЕТИШТИРИШ ВА ҚАЙТА ИШЛАШ ТИЗИМИДА
КООПЕРАЦИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-
ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИ

08.00.04-Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Нукус – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.PhD/Iqt767 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетидеда бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб – саҳифасида (www.karsu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ташматов Рустам Хусанович
иқтисодиёт фанлари номзоди, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар:

Мусағалиев Ажинияз Жумагулович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Ахмедов Улуғбек Камбарбекович
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялари институти

Диссертация ҳимояси Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети ҳузуридаги Phd.03/30.01.2020.I.20.06. рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 230113, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1-уй. Тел./факс: (998 61) 223-60-78, (998 61) 223-59-25, e-mail: info_karsu@edu.uz

Диссертация билан Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 230113, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1-уй. Тел./факс: (998 61) 223-60-78, (998 61) 223-59-25, e-mail: info_karsu@edu.uz)

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ж.К.Сауханов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

Р.Б.Утемуратов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, PhD

Т.Досчанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон иқтисодиёти тараққиётининг ҳозирги босқичида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг турли инфратузилма субъектлари билан кооперация муносабатларини кенгайтириш етакчи мамлакатлар агросаноат мажмуасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланмоқда. Ҳозирги вақтда кўпчилик ривожланган мамлакатларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи ва уларни қайта ишловчи корхоналар ўртасидаги кооперация муносабатлари энг кенг тарқалган иқтисодий шакл бўлиб, “Швеция, Дания, Норвегия, Финляндия, Нидерландия ва Япония каби давлатларда кооперация ҳаракати қишлоқ хўжалиги аҳолисининг деярли 100 фоиз қамрови билан ажралиб туради. Франция ва Германия кооперативлари барча агробизнесининг камида 80 фоизини бирлаштиради”¹. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шунини кўрсатадики, кооперация, хусусан ихтисослашган агрокластер хомашёни етиштирувчи хўжаликларга юқори самарадорликка эришиш, қишлоқ хўжалиги ишларини интеграциялаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва уларни экспорт қилиш салоҳиятини оширишга имкон бермоқда.

Жаҳонда глобаллашув ва рақобат жараёнларининг кескинлашуви, халқаро миқёсдаги ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг беқарорлигини кучайтирувчи глобал омилларнинг рўй бериши шароитида аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларининг қишлоқ хўжалиги хомашёси ва озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини сифатли ва кафолатли таъминлаш борасида кўплаб тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда инновацион ёндашувлардан фойдаланиш, доривор ўсимликларни етиштириш ва уларни қайта ишлаш технологияларини жорий этишнинг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш, мазкур жараёнларда кооперация муносабатларини кенгайтириш, уларни самарали ташкил этишда рақамли технология ва платформалардан фойдаланиш, кооперацион ҳамкорликнинг янги шаклларини йўлга қўйиш каби масалалар бу борадаги илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлашда кооперация муносабатларидан фойдаланишни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада “қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар, ер майдонлари тўлиқ хусусий кластер ва кооперацияларга берилгани пахтачиликда ҳосилдорликни бир йилда ўртача 10 фоизга ошириш имконини яратди. Мева-сабзавотчилик, ғаллачилик ва чорвачиликда ҳам 500 га яқин кластер ва кооперациялар фаолияти йўлга қўйилди. Бунинг натижасида, пандемиянинг салбий таъсирига қарамадан, 1 миллиард долларлик мева-сабзавот экспорт қилинди”². Мазкур жараёнларнинг самарадорлигини янада ошириш мақсадида республикамизда фермерлар томонидан қишлоқ хўжалик

¹ <https://selcoop.ru/cooperation/international/kooperativy-vo-frantsii>

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 29.12.2020. <https://president.uz/uz/lists/view/4057>

маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотишда ўзаро кооперация (хамкорлик) механизмларини такомиллаштириш вазифаси белгилаб берилган. Кооперация, интеграциялаш муносабатларини республика минтақаларидаги қишлоқ хўжалиги ихтисослашуви ҳамда “ўсиш нукталари”ни ҳисобга олган ҳолда ривожлантиришда Қорақалпоғистон Республикасида қишлоқ хўжалиги ерлари шўрланиши даражасини пасайтириш, мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида ташкил этилган қизилмия плантациялари муҳим аҳамият касб этади. Қизилмия хомашёсини етиштириш қайта ишлаш, ярим тайёр маҳсулотни, кўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш, сотиш, экспорт қилиш жараёнида иштирок этувчи субъектларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун уларни кооперация асосида бирлаштириш тармоқ тараққиётининг устувор йўналиши ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, 2020 йил 11 майдаги ПҚ-4709-сон “Республика хуудларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 февралдаги 138-сон “Қизилмия ва бошқа доривор ўсимликларни етиштириш ҳамда саноат усулида қайта ишлашни самарали ташкил этишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2018 йил 27 январидagi 63-сон “Ўзбекистон Республикасида қизилмия ва бошқа доривор ўсимликларни етиштириш ҳамда саноат усулида қайта ишлашни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи ва уни қайта ишловчи корхоналар ўртасидаги кооперация муносабатларини ривожлантириш дунё ва мамлакатимиз олимлари томонидан кенг тадқиқ этилган. Жумладан, кооперациянинг фундаментал назарий ва услубий асослари хорижий олимлардан Р.Оуэн, У.Кинг, Е.Норсон, Ф. Райффайзен, А. Сапиро, Ч.Фурье³ ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган.

Кооперация назарияси, унинг иқтисодий-ташқилий асослари, ижтимоий жиҳатлари, қишлоқ хўжалиги кооперациясининг концептуал асослари МДХ

³ Зарождение и развитие кооперативного движения в Европе и Америке, пропагандистская и организаторская деятельность основоположников кооперации: Р. Оуэна, Ф. Райффайзена, У. Кинга. Русская школа кооперативной мысли (И.В. Емельянов, В.Ф. Тотомиянц).

давлатлари олимларидан А.В.Чаянов, М.Н.Туган-Барановский, Н.П.Макаров, Н.Д.Кондратьев, И.В.Емельянов, И.Н.Буздалов, В.А.Добрынин, А.В.Ткач, К.И.Вахитов, Н.А.Кузнецова, Н.К.Фигуровская, М.Ф.Шкляр, Г.И.Шмелевлар томонидан тадқиқ этилган⁴.

Ўзбекистонда агросаноат ва унинг соҳаларида кооперацияни ривожлантириш масалалари Қ.А.Чориев, Б.Б.Беркинов, Ш.Эргашходжаева, Т.Досчанов, К.Убайдуллаев, А.Мадалиева, М.Айнакулов, А.Хуррамова, Р.Х.Ташматов, А. Абдуллаев, А.Ж.Абдуллоев⁵ ва бошқа олимларнинг тадқиқотларида ўрганилган.

Шу билан бирга алоҳида минтақанинг, хусусан Қорақалпоғистон Республикасида ижтимоий, иқтисодий, табиий ва бошқа ресурслар салоҳияти ва рақобат устунликларини, жумладан қизилмияни етиштириш ва уни экспорт салоҳиятини инобатга олган ҳолда “етиштириш-қайта ишлаш-сотиш”, яъни қўшилган қиймат занжирини самарали ишлашини таъминлайдиган кооперация, ихтисослашган агрокластер муносабатларининг ташкилий ва иқтисодий асосларини такомиллаштириш ҳал қилувчи рол ўйнайди. Ушбу ҳолатлар мазкур диссертация мавзуси мақсади ва вазифаларини танлашга асос бўлиб хизмат қилди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ПЗ-2017091480 – “Қорақалпоғистон

⁴ Чаянов А.В. О сельскохозяйственной кооперации / А. В. Чаянов. – Саратов: Приволж. кн. изд-во, 1989. – 176 с.; Туган-Барановский, М. И. Социально-экономическая природа кооперации / М. И. Туган-Барановский. – М.: Экономика, 1989. – С. 100–117.; Макаров Н.П. Новая кооперация в сельском хозяйстве и картофелекрахмальное производство / Н. Макаров. - Кострома : Костром. губ. земство, 1911. - [6], 84, 14, XIV с., 2 л. схем., карт.; 25. - (Сборник статистических сведений по Костромской губернии; Вып. 2); Кондратьев Н. Д. Мировое хозяйство и его конъюнктуры во время и после войны. — Вологда: Обл.отделение Гос.издательства, 1922; Емельянов И.В. Сельскохозяйственная кооперация / И. Емельянов ; Харьковск. о-во сел. хозяйства. Ком. содействия сел. кооперации. - Харьков : [б. и.], 1918. – 53; Буздалов, И. Н. Возрождение кооперации / И. Н. Буздалов. – М.: Экономика, 1990 с.; Добрынин В.А. Кооперация в сельском хозяйстве. - М.: Уч.-изд. центр «Земля России», 1999. - 117 с.; Ткач А.В. Сельскохозяйственная кооперация. Учебное пособие.- 3-е изд., испр. и доп. – М.: Издательско-торговая корпорация “Дашков и К⁰”, 2005. – 364 с.; Вахитов К.И. Кооперация: теория, история и практика. М.: Издательско-торговая корпорация “Дашков и К⁰”, 2006. – 560 с.; Кузнецова Н.А. Развитие системы сельскохозяйственных потребительских кооперативов : Дис. ... д-ра экон. наук : 08.00.05 Саратов, 2005. - 467 с.; Фигуровская Н.К, Козлова Е.Н. Кооперация, страницы истории, Москва 1994; Шкляр М.Ф. Кредитная кооперация, учебное пособие, Москва 2007, с. 86; Шмелев Г.И., Буздалов И.Н., Козырь М.И. и др. Межхозяйственная кооперация и агропромышленная интеграция в европейских социалистических странах. - М.: Колос, 1980. – 159 с..

⁵Чориев К.А. Совершенствование управления производством в условиях межхозяйственной кооперации : на примере межхозяйственных животноводческих предприятий УзССР : диссертация ... кандидата экономических наук : 08.00.05. - Ташкент, 1980. - 164 с.; Беркинов Б.Б.Касаначиликка асосланган кооперация. Т.:ТДИУ, 2006 й.; Эргашходжаева Ш.Д. Бозор рақобати шароитида қишлоқ жойларида кооперацияни ривожлантиришнинг маркетинг стратегияси. дис. автореф. ... икт.фан.док. – Т.: ТДИУ. 2006.; Мадалиев А. Кооперативы взаимопомощи – решение проблем. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – Ташкент, 2007.- № 12. – С. 38; Айнакулов М.А. Кичик корхоналарнинг йирик корхоналар билан ишлаб чиқариш кооперациясини ривожлантириш (Жиззах вилояти мисолида). икт. фан. ном. дисс....автореф. - Тошкент.: ТДИУ. 2004. - 21 б.; Хуррамов А. Фермер хўжаликларида кооперациянинг аҳамияти // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. – Тошкент, 2004. - № 7-8. – Б. 4-6.; Ташматов Р.Х. Кооперация – фермер хўжаликларини ривожлантириш истиқболи йўналишларидан бири. // Экономика и класс собственников. – Ташкент, 2004. - №1. - Б. 48-50; . Абдуллаев А. Қишлоқ хўжалиги кооперативлари: тажриба ва имкониятлари. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – Тошкент, 2008. - №7–Б. 29.; Абдуллоев А.Ж. Қишлоқ хўжалигида кооперация муносабатларини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари. дис. автореф. ... икт. фан. номз. – Т.: ТИҚХММИ. 2019. – 53 б.

Республикаси минтақасида қизилмия (ширинмия, GLYCYRRHIZA GLABRA L.) ўсимлигини экиб кўпайтириш усуллари ва унинг экма плантацияларини барпо этишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш” мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади экологик шароити мураккаб минтақада қизилмия етиштириш ва қайта ишлаш тизимида кооперацияни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ер, сув шароити оғир бўлган минтақада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш тармоқлари ўртасида кооперацияни ривожлантиришнинг объектив зарурияти ва уни ривожлантиришнинг илмий-назарий асосларини бойитиш;

қишлоқ хўжалигида қизилмия хомашёсини етиштириш ва қайта ишлаш тизимида кооперацияни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини ўрганиш ва уни ўзига хос хусусиятларини очиб бериш;

қишлоқ хўжалигида кооперация муносабатларининг институционал жиҳатларини очиб бериш ва уларни татбиқ этиш имкониятларини асослаш;

Қорақалпоғистон Республикасида қишлоқ хўжалигида қизилмия етиштириш ва қайта ишлаш тизимида кооперация ривожланишининг ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий-экологик асосларини ўрганиш ва уларнинг ривожланишини таҳлил қилиш;

тизим кооперациясини ривожлантириш ва тартибга солишнинг илғор хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва уларни республикамизда татбиқ этиш имкониятларини баҳолаш;

минтақада қизилмияни ишлаб чиқариш саноатини кооперация асосида ривожлантириш ҳолатини таҳлил қилиш ва бу борада муаммоларни ва истикболли йуналишларини аниқлаш;

Қорақалпоғистон Республикасида қизилмияни етиштиришнинг иқтисодий-экологик афзалликлари ва уни саноат йўли билан қайта ишлаш самарадорлигини асослаш;

минтақада қизилмияни етиштириш ва қайта ишлаш тизими кооперациясининг тузилмаси ва унинг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш бўйича илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқиш;

Қорақалпоғистон Республикасида қизилмияни етиштириш ва қайта ишлаш тармоғи ривожланишининг ўрта муддатга прогноз вариантларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Қорақалпоғистон Республикасида қизилмия етиштирувчи хўжаликлари, қизилмия илдизини қайта ишловчи корхоналар олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб Қорақалпоғистон Республикасида қизилмия етиштириш, уни қайта ишлаш ва сотиш тизими корхоналари ўртасидаги ташкилий-иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида диалектик ёндашув, абстракт фикрлаш, индукция ва дедукция, статистик таҳлил, эконометрик моделлаштириш усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

“Қизилмия ва бошқа доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш ташкилотлари уюшмаси”ни қизилмияни етиштирувчиларни бирлаштирувчи ҳамда хизмат кўратувчи турли инфратузилма субъектларини бирлаштирувчи кооперация шаклларига айлантириш орқали субъектларнинг мулкчилик, шартнома ва бошқа иқтисодий муносабатларни шакллантиришдаги манфаатлар тўқнашувини бартараф этиш ва кооперация самадорлигини ошириш таклифи асосланган;

минтақада қизилмия ишлаб чиқаришни кооперация асосида ривожлантириш орқали иқтисодий (*экспорт даромадини 2,8 мартага ошириш*), ижтимоий-иқтисодий (*ишсизлик даражасини қисқартириш, аҳоли даромадини ошириш*), экологик (*шўрланган ерларни камайтириш*), демографик (*ишчи кучи кўчиб кетишининг олдини олиш*) самаралардан иборат умумий самарага эришиш асосланган;

минтақада қизилмияни етиштирувчилар горизонтал кооперациясининг ташкилий тузилмаси фаолиятини кооперация иштирокчилари ўртасидаги фойдани муқобил тақсимлашда кооператив харажатлари ва дивиденд тўловлари (0,7:0,3), пай бадалларини тўлдириш ва бадаллар қолдиғи (0,8:0,2) нисбатини таъминлаш орқали такомиллаштириш таклифи асосланган;

минтақада қизилмияни етиштириш, қайта ишлаш ва сотиш салоҳиятини инобатга олган ҳолда Қорақалпоғистон Республикасида 2025 йилга қадар мўлжалланган қизилмияни етиштириш ва қайта ишлаш ҳажмининг прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

Қорақалпоғистон Республикаси агросаноат тизимида қизилмия етиштириш, қайта ишлаш ва сотиш кооперациясининг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштиришга қаратилган илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

минтақада кооперация муносабатларининг институционал жиҳатларини очиб бериш орқали қизилмия тизими кооперацияси горизонтал ва вертикал бирлашмаларни ташкил этиш бўйича амалий тавсиялар асосланган;

минтақада қизилмия ишлаб чиқариш саноатини кооперация асосида ривожлантириш афзалликлари самарадорлиги асосланган;

қизилмияни етиштирувчи, қайта ишловчи, сотувчилар кооперацияси ҳамда унинг ташкилий тузилмаси таклиф этилган ва унинг ташкилий-иқтисодий асослари такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, ахборотлар базасининг расмий манбаларидан, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси статистик маълумотлари, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотлари манбаларидан олингани ҳамда тегишли хулоса ва таклифлар натижаларнинг ваколати давлат тузилмалари томонидан маъқулланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда ишлаб чиқилган илмий-назарий йўналишдаги таклиф ва тавсиялардан Қорақалпоғистон Республикасида қизилмия етиштириш, уни қайта ишлаш ва сотиш тизимида кооперация муносабатларини жорий этиш орқали ишлаб чиқариш ва иқтисодий самарадорлигини оширишга йўналтирилган илмий тадқиқотларнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертацияда ишлаб чиқилган таклифлардан Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудларида қизилмия етиштириш ва уни истеъмол қиладиган турли саноат тармоқларини ривожлантиришга мўлжалланган дастурларини ишлаб чиқишда, шунингдек, тадқиқот натижаларидан агросаноат мажмуаси ихтисослиги бўйича махсус олий таълим муассасаларида тегишли фан дастурларини ишлаб чиқиш ва ўқув жараёнларида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қизилмия етиштириш ва қайта ишлаш тизимида кооперацияни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқилган илмий-назарий ва амалий таклифлар асосида:

“Қизилмия ва бошқа доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш ташкилотлари уюшмаси”ни қизилмияни етиштирувчиларни бирлаштирувчи ҳамда хизмат кўратувчи турли инфратузилма субъектларини бирлаштирувчи кооперация шаклларига айлантириш орқали субъектларнинг мулкчилик, шартнома ва бошқа иқтисодий муносабатларни шакллантиришдаги манфаатлар тўқнашувини бартараф этиш ва кооперация самарадорлигини ошириш таклифи Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва қамбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан “Маҳаллий ишлаб чиқаришни кенгайтириш асосида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури”ни шакллантиришда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва қамбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2021 йил 28 апрелдаги 09/575-сонли маълумотномаси). Мазкур илмий таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида қизилмияни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш самарадорлигини ошириш ҳамда кооперациядан олинган фойдани оптимал тақсимлашга эришиш имкони яратилган;

минтақада қизилмия ишлаб чиқаришни кооперация асосида ривожлантириш орқали иқтисодий (*экспорт даромадини 2,8 мартага ошириш*), ижтимоий-иқтисодий (*ишсизлик даражасини қисқартириш, аҳоли даромадини ошириш*), экологик (*шўрланган ерларни камайтириш*), демографик (*ишчи кучи кўчиб кетишининг олдини олиш*) самаралардан иборат умумий самарага эришиш таклифи Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва қамбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан “Маҳаллий ишлаб чиқаришни кенгайтириш асосида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури”ни шакллантиришда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва қамбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2021 йил 28 апрелдаги 09/575-сонли

маълумотномаси). Мазкур илмий таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида минтақада қизилмия ишлаб чиқаришни кооперация асосида ривожлантириш орқали олинадиган умумий (иқтисодий, ижтимоий-иқтисодий, экологик, демографик) самара ҳажмини ошириш имкони яратилган;

минтақада қизилмияни етиштирувчилар горизонтал кооперациясининг ташкилий тузилмаси фаолиятини кооперация иштирокчилари ўртасидаги фойдани муқобил тақсимлашда кооператив харажатлари ва дивиденд тўловлари (0,7:0,3), пай бадалларини тўлдириш ва бадаллар қолдиғи (0,8:0,2) нисбатини таъминлаш орқали такомиллаштириш таклифи Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва қамбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан “Маҳаллий ишлаб чиқаришни кенгайтириш асосида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури”ни шакллантиришда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва қамбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2021 йил 28 апрелдаги 09/575-сонли маълумотномаси). Мазкур илмий таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида қизилмияни етиштириш, қайта ишлаш ва сотиш ҳажмини ўртача 1,5 фоизга ошишига хизмат қилган;

минтақада қизилмияни етиштириш, қайта ишлаш ва сотиш салоҳиятини инобатга олган ҳолда Қорақалпоғистон Республикасида 2025 йилга қадар мўлжалланган қизилмияни етиштириш ва қайта ишлаш ҳажмининг ишлаб чиқилган прогноз кўрсаткичларидан Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва қамбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан “Маҳаллий ишлаб чиқаришни кенгайтириш асосида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури”ни шакллантиришда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва қамбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2021 йил 28 апрелдаги 09/575-сонли маълумотномаси). Мазкур илмий таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида қишлоқ хўжалиги ер майдонларининг камида 10 %га кенгайтириши, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 55,4 %, қишлоқ хўжалигида банд бўлган аҳоли сони 0,6 фоизга ошиши мумкинлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 9 та , жумладан 2 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та илмий мақола (6 та республика ва 2 та хорижий журналларда) ва илмий-амалий анжуманларда 9 та маъруза тезислари чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши таркибан кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 125 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объекти ва предмети тавсифланган, республикада фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, шунингдек илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш корхоналари ўртасида кооперация муносабатлари шаклланиши ва уни ривожлантиришнинг илмий ва назарий асослари»** деб номланиб, унда қишлоқ хўжалиги кооперацияси ривожланишининг илмий-назарий асослари очиб берилган, қишлоқ хўжалигида кооперацияни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари кўриб чиқилган ҳамда қишлоқ хўжалигида кооперация муносабатларининг институционал жиҳатлари ёритиб берилган.

Маълумки, ҳар қандай иқтисодиётнинг ривожланишида унумдорлик, самарадорлик, оптималлик тамойиллари ётади. Ана шу тамойилларини ўзида мужассам этган ва шу боис кенг ривож топган кооперация агросаноат муносабатлари ривожланишида устувор йўналишлардан бўлиб қолмоқда. Шу боис АСМнинг Қорақалпоғистон Республикасидаги истиқболли йўналишларидан ҳисобланган қизилмия тармоғи ва уни кооперация муносабатлари асосида ривожлантириш масалалари тадқиқ қилинган. Тармоқдаги бу муносабатларни такомиллаштириш мақсадида муаллиф “кооперация” тушунчасини илмий-услубий асосларини тадқиқ қилишдан бошланди.

Тадқиқотчилар асосан қуйидаги мезонларга кўра таснифланиши мумкин бўлган кўплаб кооперация турларини ажратадилар:

- кооператив фаолиятида иштирок этиш тавсифи (кооператив аъзоси ёки шерик аъзоси сифатида);
- асосий фаолият тури бўйича, ихтисослашувига кўра;
- аъзолар сони ва тегишли бошқарув хусусиятлари.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида кооперациялар мавжуд бўлиб, улар асосан қуйидаги турларга бўлинади: қишлоқ хўжалиги кооперацияси, сотиш бўйича кооперация, кредит кооперацияси, таъминот кооперацияси, хунармадлар кооперацияси ва бошқалар. Тадқиқот объекти қишлоқ хўжалиги кооперацияси хусусан қизилмия тармоғини инобатга олиб, ушбу турдаги кооперация шаклининг таснифи ўрганилган. Ушбу таснифга кўра қишлоқ хўжалиги кооперациясининг вертикал ва горизонтал кооперация турлари ва бошқа шакллари ўрганилди ва таснифланди. Шунингдек, илмий ишда тармоқ ташкилий-иқтисодий механизм қуйидагиларни ўз ичига олиши аниқланди: ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш; ташкилий ва ишлаб чиқариш тузилмаси; вазифалар; маркетинг ва логистика; меҳнатни ташкил этиш ва назорат қилиш; ахборотни тўплаш ва улардан фойдаланиш; режалаштириш ва прогнозлаш, нарх ва молия-кредит масалалари;

ташки иқтисодий ва ички саноат муносабатлари, меҳнатни рағбатлантириш тизими ва бошқалар (1-расм).



1-расм. АСМда қизилмия тармоғи кооперацияси ташкилий-иқтисодий механизмнинг асосий унсурлари ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги⁶


Республикамызда, айниқса охириги йилларда қизилмияни етиштириш, қайта ишлаш ва сотиш фаолиятини жадаллаштириш ва ушбу тармоқни янги ривожланиш поғонасига кўтариш ишлари амалга оширилмоқда. Жумладан қабул қилинган ҳуқумат қарорлари⁷ билан қизилмия ўсимлиги плантацияларини ташкил этиш ва парвариш қилиш, юридик ва жисмоний шахслари қизилмияни хомашё сифатида Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига олиб чиққанликлари учун тўловлардан маълум муддатга озод қилиш, халқаро талабларга мувофиқ қизилмия хом ашёсини қуритиш ва қадоқлаш учун зарур бўладиган махсус техника воситалари ва минитехнологиялари билан таъминлаш, ушбу фаолиятни мувофиқлаштириш

⁶ Муаллиф томонидан тадқиқотлар асосида тузилган

⁷ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 январдаги “Ўзбекистон Республикасида қизилмия ва бошқа доривор ўсимликларни етиштириш ҳамда саноат усулида қайта ишлашни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 63-сонли қарори; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 февралдаги “Қизилмия ва бошқа доривор ўсимликларни етиштириш ҳамда саноат усулида қайта ишлашни самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 138-сонли қарори

учун Қизилмия ва бошқа доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш ташкилотлари уюшмасини ташкил этиш борасида ишлар амалга оширилган.

Ўзбекистонда ривожланган бозор иқтисодиётига эга бўлган давлатлардан фарқли улароқ замонавий кооперация амалиёти эндигина шаклланмоқда, янги кооператив тузилмалар, яъни ихтисослашган агрокластерлар давлат ташаббуси билан жадаллашган тартибда ташкил этилмоқда. Шу боис, қизилмия тармоғида кооперативларнинг мавжуд ва истиқболли ташкилий моделларини баҳолаш учун ташқи ва ички муҳитлар, кооперативлар амалиёти ва назарияси ўртасидаги доимий интерактив ўзаро алоқадорлигини ҳисобга олувчи институционал ёндошувни келтирамиз (2-расм).



2-расм. Мамлакатда қизилмия тармоғи кооперациясига нисбатан институционал ёндошув ва унинг ташқи ва ички муҳит билан ўзаро гипотетик модели⁸

Шунингдек, диссертацияда мулкый ҳуқуқлар, трансакция харажатлари таркиби, расмий ва норасмий институтларнинг кооператив ичидаги агентларнинг иқтисодий хулқ-атвори ва рағбатларга ҳамда ташкилотнинг ўзини

⁸ Муаллиф ишланмаси

бозор муҳитидаги хулқ-атвориға таъсирини ўрганиш имкониятларини ўзида ифодаланган институционал ёндашув асослари ҳамда илғор хорижий тажрибалар ва уларни мамлакатимизда самарали қўллаш масалалари ўрганилган.

Тадқиқотнинг «Қизилмия хомашёсини етиштириш ва қайта ишлаш кохоналари ўртасида кооперация муносабатларининг ташкилий ва институционал асосларини ривожлантириш омиллари таҳлили» деб номланган иккинчи бобида мамлакат, хусусан қизилмия тармоғи кооперацияси ривожланишининг ташкилий асослари, тармоқда кооперациясини ривожлантириш ва тартибга солиш масалалар ҳамда Ўзбекистон минтақаларида қизилмияни ишлаб чиқариш саноатини кооперация асосида ривожлантириш ҳолати ўрганилган.

Республикаимизда кооперация муносабатларини тартибга солиш ва кооперация асосида фаолият кўрсатадиган бирлашмаларни ташкил этиш борасида комплекс ишлар мустақиллигимизнинг илк кунларидан бошланган. Муаллиф бу йўналишда қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни шартли равишда учта босқичга (1-босқич - 1991-2001 йй; 2-босқич - 2001-2016 йй; 3-босқич - 2017-2021 йй) ажратган ҳолда ўрганган.

Кооперациянинг бошқарув шакли сифатида аҳамиятини ҳисобга олиб, ривожланган мамлакатларнинг ижобий тажрибасини қайд этиш лозим. Кооперация АҚШ ва Европа мамлакатлари, хусусан, Скандинавия мамлакатлари: Нидерландия, Дания, Финландияда ривож топган. Осиё давлатларидан Корея ва Япония тажрибаларни келтириш мумкин, қишлоқ хўжалиги кооперацияси бу мамлакатларда қишлоқ хўжалигининг умумий таркибида муносиб ўрин эгаллайди. Кооперативларнинг глобал мониторинги асосида қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноатидаги кооперативлар бўйича маҳсус ҳисобот тайёрланади ва унинг маълумотлар базасига кирган жами 4 575 та, шу жумладан, Европада – 1 152 та, Америкада – 3 218та, АҚШда – 197та, шунингдек, Осиё-тинч океани минтақасида – 8та ва Африкада - 8та кооперативлар кирган. Дунёдаги энг яхши 300 та кооператив 2,1 трлн. АҚШ доллари миқдоридаги товар айланмасига эга⁹. Умуман олганда, дунёда кооперативлар даромадининг пасайиши кузатилди, бу асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорида рақобатнинг ортиши билан изоҳланади.

Республикаимизда ҳам кооперация шакли, хусусан қишлоқ хўжалигида янги ривожланиш босқичига ўтди. Жумладан, Жиззах, Самарқанд, Тошкент ва Фарғона вилоятларининг 8 та туманида жами 41 та мева-сабзавотчилик йўналишидаги қишлоқ хўжалиги бирлашмалари, шу жумладан кооперативлари ташкил этилган. Шунингдек, 2020 йилда Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларининг 22 та туманида 31 та, 2021 йилда республика бўйича 100 та қишлоқ хўжалиги бирлашмалари (кооперативлари)ни ташкил этиш режалаштирилган¹⁰.


⁹ <https://monitor.coop/en/media/library/research-andreviews/world-cooperative-monitor-2019>

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 декабрдаги «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада кўшилган қиймат занжирини яратишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4549-сонли Қарори.

Шуни таъкидлаш керакки, Қорақалпоғистон Республикаси ер майдонининг аксарият қисми қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун қулай эмас. Минтақада шўрланган ер майдонлари бошқа ҳудудларга нисбатан юқори. Хусусан, республикамизнинг шўрланган ерларнинг 18,1% ёки 420,9 минг га айнан Қорақалпоғистон Республикасига тўғри келади¹¹.

Шу боис мавжуд шароитлардан унумли фойдаланиш мақсадида минтақада шўрланган ерларда ўсадиган ва аҳолига қўшимча даромад келтирадиган доривор ўсимликлар, яъни қизилмия етиштириш ва уни қайта ишлаш амалиётини кенгайтириш лозим. Ҳозирги кунда қизилмия маҳсулотини экспорт қилиш ҳажми минтақанинг умумий экспорт ҳажмидан деярли 50 %ни ташкил этмоқда (шундан қизилмия экстракти 46 % ва қизилмия илдизи 13,2 %).

Статистик маълумотлар таҳлили шундан далолат бериб турибдики, 2018-2020 йилларда қизилмия илдизи экспорт ҳажми ўсган бўлса ҳам, уни sanoat йўли билан қайта ишланган маҳсулот, шу жумладан экстракти экспорт ҳажми 2019 йилда 2018 йилга нисбатан 37,4 фоизга ошди, 2020 йилга келиб бу кўрсаткич ўтган 2019 йилга нисбатан аксинча 31,0 фоизга камайган. Натижада жами қизилмия ҳомашёси ва қўшимча қийматдаги маҳсулотнинг экспорт ҳажми 2019-2020 йиллар мобайнида 38,1 фоизга камайган (3-расмга қаранг). Бу республикамизда қизилмия ҳомашёсини қайта ишлаш тармоғини кенгайтириш ва ривожлантириш зарурлигидан далолат беради.



3-расм. 2018-2020 йилларда республикамизда қизилмия маҳсулотларини экспорт қилиш динамикаси, млрд.АҚШ долл.¹²

Асосий экспорт қилинадиган давлат Хитой ҳисобланади. Қизилмия илдизи ва ундан тайёрланган экстракти Хитой (умумий ҳажмидан 38 %), Жанубий Корея (25 %), Германия (9 %), АҚШ (9 %), Испания (4 %), Польша (3 %), Ҳиндистон (3 %) ва Миср (3 %) ҳамда бошқа кўплаб давлатлар (6 %) га экспорт қилинмоқда (4-расм).

¹¹ Қорақалпоғистон Республикаси Ер, геодезия ва давлат кадастри давлат қўмитаси маълумотлари


¹² Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Қизилмия етиштирадиган ва қайта ишлайдиган илғор мамлакатлар тажрибасида ўрганиш негизида уларни мамлакатимизда қўллаш бўйича қуйидаги хулоса ва таклифларни бериш мумкин. Жумладан:

1. Ўзбекистон табиий-иқлим шароити, шу жумладан, ер ва бошқа ресурслар, қизилмияни етиштириш учун қулай ҳисобланади ва уни кенг саноат асосида ишлаб чиқишни йўлга қўйиш лозим.

2. Давлатимиз бу жараёни нафақат иқтисодий, балки экологик ҳолатини инобатга олиб, бу борада доимий назоратини олиб бориш лозим. Экологик шароити мақбул бўлган Қорақалпоғистон иқтисодий-ижтимоий вазиятни тубдан яхшилаш учун амалий чора-тадбирларни қисқа даврда қўллаши лозим.

3. Айниқса ривожланган мамлакатлар, хусусан Хитойда бу қизилмияни қайта ишлаш маҳсулотларига эҳтиёжини эътиборга олиб, қизилмия хомашёдан қайта ишлаш саноатини ривожлантириш истиқболли ҳисобланади.



4-расм. Қизилмия илдизи ва экстрактни экспорт қилиш географияси¹³

Шу таъкидлаш жоизки, 2019 йилда республикаимизда қизилмия ва бошқа доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш ташкилотлари уюшмаси ташкил этилган. Аммо юқорида келтирилган уюшма кооперация шаклини ўзида намоён этиб, кўпроқ аралаш, яъни юқорида келтирилган кооперациянинг икки оддий турини ўзида мужассамлаган. Бу эса ушбу субъектларнинг мулкчилик, шартнома ва бошқа иқтисодий муносабатларни шакллантиришда қийинчиликлар ва манфаатлар тўқнашуви юзага келишига олиб келади ва кооперация самдорлигини кескин пасайтириб юборади.

Шу боис қишлоқ хўжалигида горизонтал (қизилмияни етиштирувчиларни бирлаштирувчи) ҳамда вертикал (хизмат кўратувчи турли инфратузилма субъектларини - қайта ишловчи корхоналар, маҳаллий бозорлар, биржалар, дорихоналар ва фитобарлар, ошхоналар ва бошқаларни бирлаштирувчи), яъни хомашё етиштириш, қайта ишлаш ва товар маҳсулотини сотиш кооперация шакллари ривожлантириш мақсадга мувофиқ.

¹³ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Диссертациянинг «Қорақалпоғистон Республикасида қизилмияни етиштириш ва қайта ишлаш бўйича кооперациянинг йўналишлари» деб номланган учинчи бобида минтақада қизилмияни етиштириш афзалликлари ва уни саноат йўли билан қайта ишлаш самарадорлиги баҳолаш, қизилмияни етиштирувчилар кооперациясининг ташкилий тузилмаси келтирилган ва унинг иқтисодий асосларини, шунингдек, қизилмияни етиштириш ва қайта ишлаш фаолиятини такомиллаштириш ва прогнозлаш масалалари татқиқ этилган.

Европа Иттифоқи бозорларида бу маҳсулот етказиб берувчилар учун янги имкониятлар очилди. Яқин йилларда Европа ишлаб чиқарувчиларидан ушбу маҳсулотга бўлган талабнинг тез ўсиши башорат қилинмоқда, бу эса ривожланган бозорига мамлакатимиз аграрчилари ўзига хос маҳсулотлари билан дадил кириб боришини таъминлаш орқали олдимизга устувор йўналишлардан, хусусан қизилмия маҳсулотлар ҳисобидан бўлмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, қизилмия илдизлари жаҳон экспорт бозорида Европа ишлаб чиқарувчилар рақобатлаша олмайди, чунки биринчидан, бу саноатда меҳнат харажатлари юқори, иккинчидан, қизилмия ёввойи ҳолда ўсади. Жаҳон қизилмия бозори талаби ва таклифларига кўра, хусусан бой, меҳнат ва капитал харажатлари жуда катта бўлган Европа мамлакатлари учун ўз ишлаб чиқаришини ташкил қилишдан кўра импорт қилиш афзалроқдир. Улар бозорга кўпроқ қизилмия илдизлари хомашёсини импорт қилиш, қайта ишлаш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни экспорт қилишга қаратилган. Шунингдек, айрим Европа мамлакатларида ҳаётнинг барча соҳалари (тиббиёт, озиқ-овқат саноати ва бошқалар) да қизилмия илдизларининг қўшимча салоҳиятини аниқлаш бўйича илмий тадқиқотлар ҳам кучайиб бормоқда.

Маълумки, Қорақалпоғистон Республикаси туманларида жами 25 минг гектар майдонида қизилмия плантациялари ташкил этган. Уларда қизилмия илдизининг ўртача ҳосилдорлиги 60 ц/га¹⁴, олинадиган умумий ҳосили минтақа бўйича 150 000 тоннани ташкил этади.

Жаҳон бозорида бир килограмм қизилмия илдизининг ўртача нархи 0.3 АҚШ долларини ташкил этилган. Агар ушбу маблағ ҳисобга олинса, экспортдан тушган тушум 45,0 млн. АҚШ долларни ташкил этади. Агар саноат йўли билан қайта ишланган маҳсулотни (яъни экстрактни) экспорт қилинса бу тушум қарийб 2,8 мартага ошади ва 125,0 млн. АҚШ долларни ташкил этади (1-жадвал).

Қизилмия етиштириш, хомашё ва маҳсулотларини сотиш бир неча туманлар улушига тўғри келади ва уларнинг умумий улуши 35,1% ни ташкил этади. Шунингдек, бу нафақат минтақадаги экспорт салоҳиятини ошириш, балки инвестицияларни жалб қилиш, янги корхоналарни барпо этиш, инфратузилма объектларини ташкил этиш, янги иш ўринларини яратиш ва бошқа соҳаларини ривожлантириш билан бир қаторда каттиқ шўрланган ерлардан унумли фойдаланиш бу чекка туманлар иқтисодий-экологик вазиятни яхшилашга имконият яратиб беради.

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 январдаги “Ўзбекистон Республикасида қизилмия ва бошқа доривор ўсимликларни етиштириш ҳамда саноат усулида қайта ишлашни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 63-сонли қарори 2-илова

Мамлакатимизда юқори даражада шўрланган ер участкалари 97042,2 гектарни ташкил этди. Агар бу ерлардан самарали фойдаланиш ва уларни қишлоқ хўжалик айланмасига киритиш учун қайта тиклаш мақсадида бу ерларда қизилмия экилса, умумий ҳосил 582,2 минг тоннани ташкил этади. Шунда қизилмия илдизидан тушган тушум 174,6 млн. АҚШ долларни, саноат йўли билан қайта ишланган маҳсулотни (яъни экстрактни) экспорт қилишдан тушган тушум 485,2 млн. АҚШ долларни ташкил этади.

1-жадвал

Қорақалпоғистон Республикасида қизилмияни етиштириш ва экспорт қилиш самарадорлиги¹⁵

Т/р	Туманлар номи	Экин майдони, га	Ялни ҳосил, тонна	Қизилмия илдизини экспортдан тушган умумий тушум, минг АҚШ долл.	Қизилмия экстрактини экспортдан тушган умумий тушум, минг АҚШ долл.	Фарқ (+), минг АҚШ долл.
1	Тўрткўл	500,0	3000	900	2500,00	7680,0
2	Беруний	500,0	3000,0	900,0	2500,0	5440,0
3	Элликқалъа	500,0	3000,0	900,0	2500,0	8960,0
4	Амударё	500,0	3000,0	900,0	2500,0	9280,0
5	Хўжайли	1550,0	9300,0	2790,0	7750,0	8320,0
6	Тахиатош	500,0	3000,0	900,0	2500,0	8320,0
7	Шуманой	2500,0	15000,0	4500,0	12500,0	2400,0
8	Қонлиқўл	2700,0	16200,0	4860,0	13500,0	7680,0
9	Қўнғирот	2400,0	14400,0	4320,0	12000,0	5440,0
10	Нукус	1700,0	10200,0	3060,0	8500,0	8960,0
11	Кегейли	2800,0	16800,0	5040,0	14000,0	9280,0
12	Чимбой	2900,0	17400,0	5220,0	14500,0	8320,0
13	Қораўзак	2600,0	15600,0	4680,0	13000,0	8320,0
14	Тахтақўпир	2600,0	15600,0	4680,0	13000,0	2400,0
15	Мўйноқ	750,0	4500,0	1350,0	3750,0	7680,0
Ҳаммаси:		25000,0	150000,0	45000,0	125000,0	80000,0

Кўриниб турибдики, Ўзбекистонда қизилмия маҳсулотларини қайта ишлаш саноатини ташкил этишдан катта самара олинади. Жумладан:.

1. Иқтисодий самара. Жаҳон бозорида 1 кг қизилмия илдизи \$ 0,3 АҚШ доллар, қизилмия экстракти эса 5 АҚШ доллар туради. Шунинг учун, қизилмияни саноат йўли билан қайта ишланган маҳсулотларни экспорт қилиш даромадни сезиларли даражада (2,8 мартага) оширади.

2. Ижтимоий-иқтисодий самара. Бу соҳа инвестицияларни жалб этиш ва қўшма корхоналар яратиш учун қулайдир, меҳнат ресурслари тақчил бўлган қишлоқ ҳудудларда самарали фойдаланиш эвазига янги иш ўринлари яратилади, ишсизлик даражаси камайтирилади ҳамда аҳоли даромадлари ошади.

¹⁵ Муаллиф томонидан Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган

3. Экологик самара. Худуднинг экологик ҳолати яхшиланади, шўрланган ерлар улуши кескин камаяди, янги ўсимликлар майдони кенгайиши ҳисобидан ҳавода зарарли ва захарли моддалар миқдори камаяди.


4. Демографик самара. Янги иш ўринлари яратиш ва экологик вазиятни яхшилаш билан ноқулай ҳудудлардан ишчи кучи кўчиб кетиши камаяди, меҳнатнинг ортиқчалиги ва тақчиллиги муаммолари маълум даражада ҳал қилинади ва ҳоказо.

Ҳозирги кунда Қорақалпоғистон Республикасида қизилмия етиштириш ва қайта ишлаш тизимида бир вақтнинг ўзида бир неча давлат ва нодавлат корхоналарининг шуғулланаётганлиги улар фаолияти ўртасида номутаносибликлар ва бир-бирини такрорлаш ҳолатлари келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Хусусан ушбу фаолиятни мувофиқлаштириш ва бошқариш билан бир вақтнинг ўзида “Қишлоқ хўжалиги вазирлиги”, “Нукус-фарм ЭИЗ” ва “Қизилмия ва бошқа доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш ташкилотлари уюшмаси” шуғулланаётганлигини кузатиш мумкин. Бундан ташқари амалдаги тузилмада қизилмия етиштириувчи хўжаликлар ва қайта ишлаш корхоналари ўртасида ўзаро кооперация алоқалари ўрнатилмаган. Яъни, қизилмия етиштириш қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимига, уни қайта ишлаш корхоналари Нукус фарм эркин иқтисодий зонасига вертикал тамойил асосида бўйсундирилган. Бир вақтнинг ўзида ушбу корхоналар “Қизилмия ва бошқа доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш ташкилотлари уюшмаси”га ҳам аъзолиги бошқарув тизимидаги такрорланиш сабабли турли харажатлар кўпайишига ва ресурслар бўлинишига олиб келади, умумий самарадорликнинг кескин пасайиб кетишига сабаб бўлади. Қисқа хулоса қилганда тармоқ учта вертикалга асосланиб улар фаолияти аксарият ҳолларда бир-бирини такрорлайди дейиш мумкин.

Бундай ҳолат тармоқни мақсадли ва стратегик мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ривожлантиришга, иккинчидан эса бозор иқтисодиёти амал қилиши, кооперация ва интеграцион ривожлантириш тамойилларига зид келади. Шундан келиб чиққан ҳолда бизнинг фикримизча Қорақалпоғистон Республикасида қизилмия етиштириш ва қайта ишлаш корхоналари ўртасида кооперацион муносабатларни ривожлантириш ва такомиллаштириш асосида унинг бошқарувни такомиллаштириш зарур.

